

Мўътазилийларнинг тавҳиддаги ғулувлари | Ақийда дарслари (278-дарс)



19:00 / 20 май 641

Баъзи файласуфлар «Биттадан фақат битта содир бўлади. Аллоҳдан фақат биринчи ақл содир бўлган, биринчи ақлдан иккинчи ақл ва биринчи фалак содир бўлган, шундай қилиб, иш ўнинчи ақл ва тўққизинчи фалакка етиб келган. Ундан кейин, ўнинчи ақлдан барча нарса содир бўлган», дейишган. Бундай гапни айтишдан Аллоҳ Ўзи сақласин.

Мўътазилийлар эса ширкдан ҳазир бўламиз, деб насда (шаръий далилларда) келган сифатларни инкор қилишган. Улар фосид таъвиллар қилишган ва сифатларни бекор қилишгача бориб етганлар.

Ширкнинг таърифи ва унинг ҳақиқати

Ширкнинг ҳақиқати – инсоннинг Аллоҳ Ўзининг олий зотига хос қилган ҳамда бандаликка шior қилган сифат ва амалларни бошқа махлуқни рози қилиш учун бажаришидир.

Мисол учун, ўша махлуққа сажда қилиши, унга атаб жонлиқ сўйиши, назр қилиши, бошига мушкул иш тушганда ундан ёрдам сўраши ва уни ҳар жойда ҳозир нозир, деб эътиқод қилиши ҳамда унда тасарруф қилиш қудрати бор, деб ўйлашидир. Буларнинг ҳаммаси ширкдир. («Ал-Ақийдатул Исломия ас-Суннийя» 85-бет. Аллома Абул Ҳасан Али Надавий).

Имом Валиюллоҳ Деҳлавий наздида ширкнинг моҳияти шуки, инсон томонидан баъзи шаъни улуғланган одамлардан содир бўлган ғаройиб ишлар улар башар жинсида учрамайдиган, улуғ Аллоҳгагина хос бўлган камолот сифатларидан бирига эга бўлгани учунгина содир бўлди, деб ишонишдир. Инсоннинг «Бу хусусият Аллоҳ таолодан бошқада йўқ, У фақат улуҳият либосини Ўзидан бошқага ечиб берсагина ёки ўша бошқа кимса гўё Аллоҳнинг зотида бирлашиб, Аллоҳнинг зоти қолсагина, бу нарса амалга ошади», деб ишониши ёки шунга ўхшаш турли хурофотларга эътиқод қилиши ширкнинг ҳақиқатидир.

Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.